



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 16 октябрь, чоршанба

№82 (11.470)

Эркин нарҳда сотилади

ПРЕЗИДЕНТНИНГ БУХОРО ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 октябрь куни жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни билан танишиш учун Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига таширф бўурди.

Президентнинг Бухорога сафари тасавуф оламининг буюк намояндаси Хожа Баҳроддин Накшбанд мажмуини зиёрат этишдан бошланди. Юртбошимиз ташаббусига биноан 1993 йили Баҳроддин Накшбанд хазратларининг 675 йиллик тўйи халқро миқёсда нишонланган ва шу муносабат билан бу улуг зотнинг қаровисиз, вайрона бўлиб ётган қадамжоси мутлақо янгитдан таъмирланиб, атрофида муҳташам ёдгорлик мажмуи бунёд этилган, кенг кўлама ободончилик ишлари амалга оширилган эди. Шундан буён ўтган вақт мобайнида зиёратгоҳ янада чирой очиб, нафакат халқулининг, балки бутун муслимон оламининг муқаддас зиёратгоҳига айланди.

Давлатимиз раҳбари Вобкент туманидаги Ином Наимов номидаги ширкат хўжалигида бўлиб, пудратчилар, деҳқонлар билан самимий суҳбатлашди. Уларни ўйлантираётган муаммолар, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш борасидаги фикрлари билан кизикди. Президент Ислам Каримов Фиждувон тумани марказида буюк аллома - Абдухалик Фиждувонийнинг 900 йиллик юбилейига тайёрларик жараёни билан танишди. Шаҳардаги Мирзо Улуғбек мадрасаси ва Абдухалик Фиждувоний мақбарасидаги таъмирлаш ишларини кўздан кечирди. Келгуси йили Абдухалик Фиждувоний юбилейи халқро миқёсда кенг нишонланади. Шу муносабат билан Фиждувон шаҳрини янада ободонлаштириш, шаҳар марказида аллома номидаги бог барпо этиш кўзда тутилган. Бу борадаги ишларни ўз муддатда ва сифатли бажариш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Талаба ёшларнинг "Универсиада-2002" республика мусобақалари арафасида "Бухоро" стадиони қайта таъмирланиб, Марказий Осиёдаги энг гўзал спорт иншоотларидан бирига айлантирилган эди. Ислам Каримов ана шу улкан спорт иншоотини кўздан кечира экан, унинг жахон андозаларига тўла жавоб беришини таъкидлади, бу ерда келгусида нуфузли халқро мусобақалар ўтказиш учун барча имкониятлар мавжуд эканига эътибор қаратди.

Бухоро вилояти ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоятда қишлоқ хўжалиги ислохотларини янада жадаллаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари кенг жорий этиши, хусусан, фермер хўжалиқлари учун барча шарт-шароитлар яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш хусусида гап борди. Бу борадаги ишлар юзасидан маҳаллий раҳбарларнинг ахборотлари тингланди. Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислам Каримов Шаҳрисабз шаҳрига келди. Узининг 2700 йиллик шонли тўйига ҳозирлик кўраётган бу қадим шаҳар тарихий-меъморий обидаларга бой. Утган йили ЮНЕСКО ури Жаҳон маданият мероси дондари рўйхатига киритиб, ўз муҳофазасига олди. Ислам Каримов шаҳарнинг соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи майдонда бўлди. Майдон марказида буюк саркарданнинг улугвор ҳайкали қад ростлаб турибди. Буюк бобакалонимиз гўё юбилей муносабати билан шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига мамнуният билан назар ташлаб туришди.

Ислам Каримов Кўк гumbаз масжидини зиёрат қилди. Юбилей муносабати билан бу ерда ҳам кенг кўлама таъмирлаш ишлари амалга оширилди. - Биз маданий меросимизни тиклаш, авлодларга етказиш учун қайғуришимиз, дунёга кўз-кўз этиш учун ҳаракат қилишимиз керак, - деди Президентимиз. - 600 йиллик сила сил ҳар қандай обидага ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Лекин биз бундай таъсир оқибатини бартараф этишга, ажодларимиз меросига юксак эҳтиром кўрсата олишга қодир эканимизни намойиш қилишимиз зарур. Президент Шайх Шамсиддин Кулол, Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзо мақбараларини, Соҳибқирон ўзига атаб қурдирган сағанани ҳам зиёрат қилди. Уларни таъмирлаш юзасидан фикр-мулоҳаза билдирди. Жаҳонгир Мирзо мақбараси ва Ҳазрати Имом масжиди ёнида бир неча асрга қадим улкан чинорлар қад ростлаб турибди. Ислам Каримов бу асрий чинорларнинг ҳар бирига махсус лавҳа қўйиб лозимлигини ўқирди. - Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, - деди Президент, - муқаддас жойдагина дарахлар шундай барқ уриб ўсади, янаба туради. Давлатимиз раҳбари Шаҳрисабздаги обидаларни кўздан кечирган, Қарши шаҳрига келди. Бу ерда Қашқадарё вилояти фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига сафарига Президентнинг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Х.Султонов, Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тулаганов ҳамроҳлик қилди. (У.А.)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИДА ИНДУСТРИЯНИ РИВОЖЛАШТИРИШ, ҚУРИЛИШ ВА КОММУНИКАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ МАЖМУАСИНИНГ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда вилоят ҳокимлиги котибият ва гуруҳ раҳбарлари, бошқарма бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг қурилиш, уй-жой ва коммуникация масалалари бўйича ўринбосарлари, буортмачилар, лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар. Йиғилишни вилоят ҳоки-

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

мининг биринчи ўринбосари Ҳамидулла Асатов бошқарди. Унда қурилиш ташкилотлари ва корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятининг 2002 йил тўққиз ойлик якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши, вилоят туманларида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг бажарилиши ва 2002 йилнинг тўртинчи чораги режалари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишда вилоятда ком-

мунал хизмат кўрсатиш тизимини ислох қилиш, иқтисодий тармоқларини 2002-2003 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш бўйича бажарилган ишлар, қурилиш ишларини молиялаштириш аҳоли таҳлил қилиниб, соҳада хал қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЛОНДОНДА ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРНИРИ НИҲОЯЛАНДИ

Ҳам ёшлар, ҳам катталар ўртасидаги беллашуларда Британия қироллиги тасарруфидеги давлатлар ва кураш ватани - Ўзбекистондан полвонлар иштирок этди. Уғил болалар беш, қизлар эса тўрт вазн тоифасидаги гиламга чиқди. Кураш оламиндаги янги номларни кашф қилиб берган мазкур мусобақанинг, айниқса, мутлоқ вазн тоифасидаги бахслари қизиқarli кечди. Унинг финал беллашувида ўзбекистонлик икки полвон - яқиндагина кураш жозибасини Жанубий Кореянинг Чунжу шаҳрида кўргазмида чиқишлар орқали намойиш этган Иброҳим Каримов ва Илхом Шералиев ўзаро учрашди. Унда Иброҳим полвоннинг қўли балиқ келди.

Федерациялари бош ассоциацияси) қароргоҳи жойлашган Монте Карло шаҳридан ХКА Президентини Комил Юсулов номига хат келди. Унда, жумладан, шундай дейилади: "Жаноб К. Юсулов! Биз сизнинг ташкилотингиз фаолиятини мунтазам кузатиб келмоқдамиз. Кураш халқро ассоциациясининг оламшумул ютуқларидан хабардоримиз. Шунинг учун ҳам КХА GAISFнинг муносиб аъзоларидан бири бўлиши учун Сизни 2002 йилнинг 22 октябрь куни Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ўтказиладиган ассамблея йиғилишига таклиф этамиз". Таъкидлаш жоизки, GAISF - Халқро олимпия кўмитасидан сўнг спорт оламиндаги энг нуфузли ташкилот саналади. Дунёга чиққан янги спорт турларининг Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олишида GAISF томонидан бериладиган йўлланма муҳим ўрин тутди. Демак, 1998 йил 6 сентябрда (КХА тузилди), 2002 йил 4 октябрь (кураш Осиё ўйинлари таркибига киритилди) каби муҳим саналар қаторидан 22 октябрь ҳам ўрин олади - кураш GAISFга аъзо бўлади. Олдинда эса янги манзил, янги довен - Олимпиада чорламоқда. Озод РАҲАБОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Шу сонга • Шу сонга • Шу сонга

ЮТУҚЛАР ОМИЛИ - ДЕҲҚОНГА ЭЪТИБОРДА

Шу кунларда Ўртачирчиқ тумани далаларида пахта терими қизгин. Ётиштирилган ҳосилни ёғин-сочин кунларга қолдирмай териб олиш мақсадида тўла сафарбарлик таъминланган. Шартнома режаларини бажарган пудратчилар, фермерлар ва хўжалиқлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозиргача тумандаги 100 дан ортиқ пудратчи ва 12 нафар фермер хўжалиқлари жамоалари йиллик режаларини адо этдилар. Кунни-кеча эса, тумандаги энг йирик хўжалиқлардан бири - Охунбобоев номли ширкат пахтакорлари маррага етиб келдилар.

Мавжуд 1019 гектар пахта майдонида йил бўйи қилинган самарали меҳнат галаба билан якунланди. 52 пудратчидан 40 га яқини бугунги кунда режага қўшимча хом ашё топширмоқда. Ҳосилдорлик эса 28 центнердан ошди. Ҳўш, бундай муваффақиятнинг сирини нимада? Аввало шуни таъкидлаш керакки, хўжалиқда пудратчилар билан ички шартнома шартлари қатъий белгилаб қўйилган. Унда пудратчининг ўз меҳнати самарасини кўриши учун барча имкониятлар ўз аксини топган. Натижада пудратчиларнинг ерга муносабати тубдан ўзгариб, мўл ҳосил етиштиришга бўлган қизиқишлари ортиб бормоқда. Масалан, ширкат хўжалигининг Дилшод Аҳмедов бошчилик қилаётган пудратчилари 118 гектар майдоннинг ҳар гектаридан биринчи теримдаёқ 36,6 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Шуниси эътиборлики, асосан оила аъзолари меҳнат қилишиб, терим давом этаётган шу кунларгача улар 828 минг сўм даромад қилишди. Бу фа-



СУРАТДА: режани 4 иш кунинда бажарган оилавий пудратчи Жўра Султонов.

кат теримдан тушган пул лар ҳам биринчи терим-ҳисобидан. Рустам Саидахмедов центнерга етказдилар. бошчилигидаги пудратчи- (Давоми 3-бетда).

УЛОҚ «ДЎСТЛИК»ДА КЕТДИ

«Дўстлик» ширкат хўжалиги ҳар йилги аънанага содик қолиб, давлатга пахта сотиш шартнома режасини бу мавсумда ҳам Бекобод туманида биринчи бўлиб бажарди

Хўжалик туманининг чўл минтақасида жойлашган. Шунга қарамай, пудратчилар пахтадан мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Йиғим-теримни ҳам ушқоқлик билан олиб бориб, қабул пунктига 1010 тонна юқори навли хом ашё топширдилар. Ана шу

ҳосилнинг ҳаммаси кўлда териб олинди. Эндиликда ҳосилдорликни 30 центнерга етказишга ҳаракат қилаётган Чиннигул Нурова, Жонмуҳаммад Файзиев, Сирожиддин Шаббозов сингари тажрибали пудратчилар режани биринчи теримдаёқ бажардилар. — Давлатга яна камиди 200 тонна пахта топшириш имкониятимиз бор, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Қулбек Бойзоқов. — Шу мақсадда йиғим-теримни бўшаширмай давом эттиришимиз. Ўз муҳбиримиз.

АЁЛ МАЪНАВИЯТИ

Паркент туманининг Заркент қишлоғида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан «Аёл маънавияти» мавзусида тadbир бўлиб ўтди.

Тadbир иштирокчилари танкили ёзувчи Олмас Ғуломова ва Ўзбекистон Қаҳрамони Тожибой Ризаевларнинг аёлларнинг жамиятда тутган мавқеи ҳақидаги суҳбатларидан баҳраманд бўлдилар. Хушовоз хонанда Шахло Рўзиева ижро этган дилрабо қўшиқлар эса, даврага фaйз киритди. Дилфуза МИРОБИДОВА.

КОРПУС ВАКИЛЛАРИ ЧИРЧИҚДА

Ҳар йили чирчиқлик мактаб ўқувчилари хузурига Американинг Тинчлик корпуси вакиллари таширф бўурадидилар.

Улар бу ерда инглиз тилида жонли сўзлашушни ўргатадилар. Корпус вакиллари бу йил ҳам Чирчиққа келишди. Улар 5-умумтаълим ўрта мактаби бошланғич синфларида таълим олаётганларга инглиз тилида шундай сўзлашушни ўргатишга киришдилар. Диего, Жон жаноблари ҳамда Аманда, Валерие, Лорел хонимлар ўтказган дастлабки дарслар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Салима ЯМИНОВА.

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

ДАСТУРХОН ТЎРИДА - ОБЛИҚЛИК ОТАХОНЛАР

Облиқ қишлоғида «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан тўқтин дастурхон ёзилиб, юздан зиёд отахонлар таклиф қилинди.

Ангрэн шаҳар ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими томонидан уюштирилган бу тadbирда етмиш ёшдан ошган Б. Комилов, М. Абдурахмонов, С. Фузайлов ва С. Мама-товларга маҳалла оқсоқоллари томонидан тўн кийга-

зилди, қолган йиғирма чоғли кишига эса обғ кийими совға қилинди. Мунисхон Ҳакимова ва Шавакат Маннопов сингари хушовоз хонандалар ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар қарияларни хушнуд этди. Теша ШЕРАЛИЕВ.

ПАХТАКОРЛАРГА ЁРДАМ

«Экспан» халқро жамғармаси экология ва соломатлик кунлари доирасида жойларда турли тadbирлар ўтказяпти.

Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Янгийўл туманидаги йиллик шартнома режасини биринчилар қаторида бажарган «Дўстлик» ширкат хўжалигида ана шундай хайрия тadbiri бўлиб ўтди. Унда жомога 500 минг сўмлик доридармон ва дала шийпонлари санитария-гигиена ҳолатини яқшилашда иштирок қилган дезинфекциялаш воситалари топширилди. У.А.

AZIZ DO`STLAR!

Республикамизда газета ва журналларга 2003 йил учун обуна давом этмоқда. Почта алоқаси бўлимлари ва газета дўконларида «Матбуот тарқатувчи»нинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида обунани расмийлаштириш мумкин. Севимли газетангиз «Тошкент ҳақиқати»га 2003 йил учун обуна бўлишини унутманг. Уни вақтида расмийлаштириб қўйсангиз, кўнглингиз тўқ бўлади. - Сиз келгуси йил давомиде ҳам яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

«АЗЗАТ»НИНГ ҚАНДОЛАТЛАРИ

Янгийўл шаҳридаги «Аззат» қандалат ишлаб чиқариш ҳиссодорлик жамиятининг маҳсулотлари узининг хариддорлиги билан ажралиб туради.

Хозирги кунда бу корхонада 60 турдан зиёд қандалат маҳсулотлари ишлаб чиқариламоқда. Корхонанинг жойларда ўз фирма дўконлари ҳам ишлаб турибди. Яқинда шаҳарнинг марказий Самарқанд кўчасида яна бир фирма дўконини ушга ташди. Зухра ХАЙДАРОВА.

Олий мажлисда

Қариялар — маънавий тарбиячиларимиз

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Қариялар йили муносабати билан кекса авлоднинг оиладаги ва жамиятдаги ҳақиқатлари тўғрисидаги ҳақиқатларни тарбиялашдаги ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир парламентнинг Иқтисодий масалалар ва бандлик кўмитаси томонидан ташкил этилди. Уни кўмита раиси М.Сафарова бошқарди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларида кекса авлод вакилларига доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Президентимиз Ислам Каримов томонидан жорий йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон этилиб, шу асосда Давлат дастури қабул қилинган бунинг яна бир яққол далилидир.

Учрашувда таъкидланганидек, халқимиз азал-азалдан қарияпарвардир. Ўзбек оиласида фарзанд ҳамиша каттага ҳурмат руҳида тарбияланган. Ҳар бир иш катталар маслаҳати билан амалга оширилган. Зеро, отахон ва онахонларимизнинг бой ҳаётий тажрибаси, ақл-заковати, билими ёшларни тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

(ЎЗА).

Вазирлар маҳкамасида

Замонавий ахборот технологиялари — тараққиёт омили

Алоқа ва ахборот технологиялари жобасини ривожлантириш мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг бош омилларидан биридир.

Шу боис мазкур соҳа ташкилотларининг асосий фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури ижросини изчиллик билан таъминлашга қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси Алоқа ва ахборот-телекоммуникация технологиялари масалалари мажлисида ана шу ҳақда сўз юритилди. Мазкур соҳада ислохотларнинг бориши ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тўққиз ойлик натижаларини баҳолашга бағишланган мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов бошқарди.

Хусусат даврида эфир этилган ҳужжатларга мувофиқ аввало маълумот узатиш тармоқлари шарафли ва провайдерларга мақсадли имтиёзлар берилди. Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ташкил этилди. Алоқа соҳаси корхоналари томонидан 84,5 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди, бу борадаги ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 131 фоизни ташкил этди. Капитал маблағларни ўзлаштириш ва экспорт ҳақини кўрсатишлари олди.

Мажлисида эришилган ютуқлар қайд этилиши билан бирга, жойларда йил куйилган камчилик ва нуқсонларни тезда бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

(ЎЗА).

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСМОҚДА

Бу қўшма корхона жамоаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг бозори қаққон. Унинг буюртмачилари мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида бор. Асосий мижозлар эса, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналаридир. Жорий йилдан улар сафига бошқа тармоқлар меҳнат жамоалари ҳам, чунончи, Ангрендаги «Санотселинқозғосавдо» ишлаб чиқариш би-
таллургияси илмий-ишлаб чиқариш концерни мутахассислари ёрдами билан шундай технология жорий қилинди. Корхона олти йилдан ортиқ вақтдан бери ишлаб келмоқда. Шу кунларда Тошкент трактор заводи, «Чирчиққиш-

Чирчиқдаги бу «Металл-керамика» қўшма корхонасида илгари четдан келтирилмаган турли диаметрдаги втулкалар, яъни зичловчи ҳалқаларни қаттиқ қотишмалардан тайёрлаш йўлга қўйилган. Бундай деталлар машина-механизмларнинг бир-бирига ишқаланувчи қисмлари орасига қўйилади ва уларнинг ҳаракати энгил ва бир маромда бўлишига хизмат қилади.

Бунинг учун эса қўшма корхонада замонавий ноёб технологиядан фойдаланилган. Беларус мутахассислари билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик жуда асқотди. Ишлаб чиқариш технологиясини улар яратганлар. Беларусиядаги давлат кукун ме-



Қўшма корхоналарда

лоқмаш» ишлаб чиқариш бир-лашмаси буюртмалари асосида уларга шундай қисмлар етказиб берилган.

Қўшма корхона ҳар йили 100 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Жорий йилда ҳам унинг шундай салоҳиятидан тўла фойдаланиш режалаштирилган.

— Биз фақат буюртма асосида олдиндан шартнома тузиб ишляпмиз, — дейди қўшма корхонанинг бош директори Виктор Карлович Фукс. — Зиммага олган маж-

буриятимизни вақтида, айнакка сифатли бажаришни таъминлашга алоҳида эътибор берамиз. Чунки, мижозларнинг бирортаси ҳам бизнинг ишимиздан ранжимасликлари керак. Шунинг учун ҳам буюртмачилар ҳар доим топилади. Бу эса ишимизнинг бир маромда боришини таъминловчи омил бўлмоқда.

Қўшма корхонанинг низоом жамғармасида Ўзбекистонлик тадбиркорларнинг улуши салмоқли эканлигини ҳам қайд қилиб ўтиш лозим. У 69 фоизни, шериклариники эса 31 фоизни ташкил этади. Демак, қурилатган фойданинг учдан икки қисмидан кўпроги маҳаллий ишбилармонлар иштирокида қолади. Бу эса миллион-миллион сўм соф сармоядир. Бу ишлаб чиқариш доим соҳада сақлаш, такомиллаштириш, ишчи-хизматчиларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан моддий манфаатдорликларини ошириб бориш имконини бермоқда.

Собир ҲАМИДОВ.
СУРАТДА: қўшма корхонанинг участка бошлиғи Хайридин Жамолов ва бригадир Алексей Шабановлар тайёрланаётган маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқдалар.
Даврон АҲМАД олган сурат.

ЯНГИ ДУНЁНИ ЯРАТАЁТГАН АЁЛЛАР

Ҳозирги замон аёллари — дилбар ва мафтункор, ҳар соҳада ўз ўрни ва макёига эга, шу билан бирга меҳрибон она ва ажойиб уй бекаларидир. Уларнинг ёрқин сиймолари Ўзбекистон Бедий академиясининг Замонавий санъат маркази кўрғазмалар залида очилган "Аёллар: янги аср, янги қиёфа, янги вазифа" деб номланган фотоқўрғазмада ўз ифодасини топган.

Ушбу кўрғазма БМТнинг МДХ давлатларидаги Хотин-қизлар ривожланиш жамғармасининг (ЮНИФЕМ) ҳудудий бюроси томонидан БМТнинг Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўрғазмада Т.Кўзиёв, Р.Шагаев, А.Тўраев каби таниқли фоторассомларимизнинг 180 та фотосурати намойиш этилган. Ушбу фотосуратлари "Аёллар тинчлик, тенг ҳуқуқлик ва иқтисодий ҳавфсизлик учун" номли халқаро фототанлов ҳакамлари таллаб олган. Ушбу танлов ЮНИФЕМнинг МДХ давлатларидаги ҳудудий бюроси ва Марказий Осиёда хунармандчиликни ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар ассоциацияси томонидан эълон қилинган эди. Унда МДХ давлатлари ва Литвадан 126 нафар фотосуратчи қатнашди ҳамда ўзларининг 900 дан ошиб ишларини намойиш этди. Тадбирдан қўланган мақсад эса жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ва профессионал фотосуратчилар эътиборини гендер тенглик масаласига жалб этиш, фотосанъат ёрдамида кенг оммага хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда иштирокини аҳолияти етказишдан иборат эди.

А.ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

Ушанда вилоятда жиноятчилик ва тартибсизликларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда эди. Маърузачининг гаплари бир-биридан долзарб масалалар эди.

Залда пашша учса сезилди. Рази солдим, ҳамма диққат билан тинглапти, уни-бунинг ёзиб ўтирганлар қанча. Шу асно бир нарса эътиборимни тортиди, дафъатан рағимини келтирди. Олдинги каторда Бўстонлик туманининг ўша пайтдаги ҳокими гўё қандайдир бир кўй оҳангига оёқларини липилашиб ўйнаиб ўтирарди.

Бу оёқ рақсидан кўз узолмай қолдим. Полга қалин кўк полов тўшалган, саро чикмас, лексин у тўйдаги, «торроқ» доирасидан, ҳаблан шўх бир куйга рақс тушаётган алпозда эди назаримда.

— ... Бўстонлик туманидаги 11-мактабнинг бешинчи синф ўқувчиси ўз жониға қасд қилди...

Маърузачининг бутун зални ларага келтирган бу гаги ҳам таъсир қилмади, ҳоким парвои палак, ҳаблий рақсини давом эттириб ўтирарди...

Қачонки халқ депутатлари Бўстонлик туман кенгаши сессияси материалларини кўлимга олсам, ўша манзара лоп этиб кўз ўнгимда намоян бўлаверади, собик ҳоким билан иш кабинетидagi суҳбатларимни эслайман. У туманда қисқа муддат ишлади. Табиий, жамиятдаги туб янгилашлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнлари туманда муайян ўзгаришлар юз беришга олиб келди. Қўшма корхоналар, фирмалар очилди, янги иш жойлари вужудга келди.

Лексин қисқа муддатнинг яна бир «қудратли кўтарилиши» ҳам содир бўлдики, бу хол хали хийла фурсат туман маънавий маданияти ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ўз қўлчансини ташлаб туради. Бу «кўтарилиш» кадрлар билан ишлаш соҳасида юз берди. Қисқа муддатда қанча-қанча хўжаликларнинг раҳбарлари алмаштирилди, неча йиллаб туман раванқига хизмат қилиб келаётган билимли, тажрибали мутахассислар, раҳбарлар «тушуниб» ишламаганлиги учун четга суриб қўйилди.

Қиши қаерда, қандай лавозимда ишлаганим, замонанинг зайли билан қанчалик давлатманд бўлиб кетмасин, ўзини қидиғига олган халқни, атрофидики одамларнинг, ўзи нафас олиб, яшаб турган юртни унутмаслиги, уларни ҳаммиса азизлаб ўтиши керак. Юртбошимиз айтганларидек, одамларнинг аҳвол-руҳиятидан хабардор бўлмаслик, кўмаклашмаслик раҳбар фазилига ёт ҳолатлар ҳисобланади: «Меҳр-оқибат, муруват бўлмаган жамият ҳалокатга мажмулдир». Одамларни

раепти. Еки Окқўрғондаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигини олинг. Асли қасби ўқитувчи бўлган Эргаш Ниёзов бу хўжаликка кўп йиллардан бунён раҳбарлик қилаётти. Қачон кўрсангиз, механизатор ёки сувчини санаторийга жўнатиб, соғлигини тиклаш, шу қишлоқдан бориб, Тошкентда тахсил кўраётган талабалар хўжалигининг қўшимча стипендиясини олишдиими-йўқми суриштириб, хонадонларга сув келтирувчи қувурларни алмаштириш ташвишида бўлади. Бағри-ю

чиндан ҳам таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, ғуруҳбозлик, уруғ-аймоқчилик кўринишлари барҳам топмаётти, аксинча кучайиб бора-япти. Жамият учун энг оғир бир юк — порахўрликдир.

Ҳеч нарса, амалдор одамнинг ҳеч бир ҳаракати ёки яшаш тарзидаги ўзгариш халқнинг назаридан четда қолмайди. Шу боис раҳбар ҳаммиса ўзига-ўзи ҳисоб бериб юриши керак. Пора шунчалик сержилоки, унча-мунча одамнинг тобланишлари олдида ўзини тиблмай қолади. Бир марта тоб ташланди-

ми, уёғи кетди. Ўрганган кўнгли ўртанса ҳам кўймайди, нафс ҳақалак отаверади. Ҳар қандай раҳбарни бир кунмас-бир кун жар лабидо муаллақ турғизиб қўйгучи жиҳат ҳам шу порахўрлик.

Биз кейинги пайтларда маънавият, инсоннинг маънавий фазилатлари, уларни тарбиялаш хусусида кўп гапирадиган бўлиб қоляпмиз. Бу яхши, қачонки сўз амалиётга омикта бўлса. Бу, айнакка, раҳбар ҳаёти ва фаолияти учун муҳим. Раҳбарки ўзида суботсизлик бўлдики, мен бошлиқман, яхшилик, эзгуликка, одамлар дардида қулб қолганга даъват этаверман, лексин ўзим ишимни ҳам «билиб-билиб» қилаверман, деб ўйлай бошладими, бу унинг инқирози, талназули.

Биламиз, моши даражасида яшовчи раҳбар кам. Ҳозирги пайтда баъзилар бунга қаноат ҳам қилмайдилар. Натигада эл олдида юзи мусово. Одамлар ҳалолликни угулалашди. Харом лўқмадан ҳазар қилишадилар. Шу фазилат «томирини кесиб» қўйдими, раҳбар эл назарида қолгани шу. Балки, унинг иши ҳали гуриллаб бораётгандир, лексин одамлар аллақачон ҳулоса чиқариб қўйишган.

Каттами, кичикми, ҳар қандай раҳбар халқнинг кўзи ўнгиде. У ҳеч қачон саҳродаги кум бўлмайди. Бинобарин, амал пиллаполярлардан кўтарилса бошладими, баркамоллик кин интилиши, комиллик фазилатларини ўзида тақомилга етказиб бориши керак. Олдилик ва одамлик либосини осон ўзгартирмаслик лозим. Бекорга халқимиз:

РАҲБАР МАЪНАВИЯТИ

оёқоти қилиш, хавойиликка беарилиш, ўзига бино қўйиб, ўзи-ўзига селвор бўлиб қолиш билан ҳеч бир раҳбар усиб-унмайди, қўқармайди.

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиалида ўтган ҳафтада, 1 та ким ошди, 3 та биржа савдоси бўлиб ўтди. Ким ошди савдосида Заигота тумани ҳудудидаги 1 та ер майдони, Оҳангарон тумани ҳудудидаги 6 та ер майдонлари жами 1110,0 минг сўмга сотилди. Биржа савдосида жами 4 та нодавлат автотранспортлари 405,0 минг сўмга, 1 та Паркент туманида жойлашган «Қартошка сақлаш омборхонаси» 5020,0 минг сўмга сотилди.

ҲУМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали

Сиз азизларни 2002 йил 24, 31 октябрь ва 7, 14, 21, 28 ноябрь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги танлов савдосларига таклиф этади. Савдога қўйиладиган қўйилди:

Танлов савдосида қатнашшини ҳоҳловчилар, савдо ташкилотчиси Тошкент вилояти Кўчмас мулк биржасига қўйиладиган ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

Асосий қонунимизни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ



68-модда. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши ўз шакли жиҳатидан унитар республикадир. Лекин, Ўзбекистонда давлат тузилишининг ўзи-га хос хусусиятлари бор, чунки унинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси мустақилдир.

Хар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи асосида қорақалпоқ миллати Ўзбекистон ҳудудидан ўз давлатини мухтор республика шаклида ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кўлга киритганидан сўнг Қорақалпоғистон Республикасини мустақил-суверен деб эълон қилди. Бу Мустақиллик тўғрисидаги декларацияда, Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик асослари тўғрисида»ги Қонунда ва, ниҳоят, 1993 йил 9 апрелда қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддалари ва конституциявий амалиёт Ўзбекистон Республикасининг унитар давлат сифатидаги қуйидаги белгиларини кўрсатади: — Ўзбекистон Республикаси ҳудудий тузилиши бўйича ягона бирикми ташкил қилади; — давлат ҳокимияти республика ҳудудидан бир бутунлиги ташкил этади ва уларнинг чиқарган ҳуқуқий ҳужжатлари бутун Ўзбекистон ҳудудига тааллуқлидир; — қонунчилик тизими ҳам бутун Ўзбекистон ҳудудига тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг устунилиги асосида амал қилади; — прокуратура органлари ва суд ҳокимияти тизими бутун Ўзбекистон ҳудудидан ягонадир; — Ўзбекистонда ташқи сиёсатни бутун Ўзбекистон халқининг манфаатини кўзлаб ва унинг номидан фақат ўз сайлаб кўйган Олий Мажлис ва республика Президентини амалга ошириши мумкин; — Ўзбекистонда молия, пул тизими, солиқ, боғхона тузилиши ва республика Қуроли Кучлари, миллий хавфсизлик ва ички ишлар органлари хизмати марказлаштирилган; — бутун Ўзбекистон ҳудудидан ягона фуқаролик жорий қилинган.

Туман — Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлиниши поғоналари ичида ўртанча бўлиб, қишлоқ жойларидаги иқтисодий, ҳўжалик ва ижтимоий-маданий ҳаётга бевоқиф раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон ишлаб чиқариш кўчларининг ривожланиши, янги табиий ресурсларни ўзлаштириш ҳамда аҳоли сонининг ўсиши билан маъмурий-ҳудудий бўлиналар чегарасидаги ўзгаришлар, аввало, қишлоқдаги туман бўлиналари ҳисобига рўй беради. Ўзбекистонда 161 та туман мавжуд.

Маъмурий-ҳудудий бўлинишининг яна бир бўлиниги шаҳарлар қиради. Маданий ва илмий марказ бўлиб ҳисобланган шаҳарлар аҳолисининг сони, иқтисоди ва саноатининг ривожланганлиги, маданий, илмий ва ўқув масканларининг мавжудлигига қараб фарқланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан республика, вилоят ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар тизими мавжуд.

Туманга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига саноат корхоналари, коммунал ҳўжалиги, давлат уй-жой фонди, ривожланган ижтимоий-маданий муассасалари, савдо, умумий овқатланиш, маънавий қўрсатиш корхоналари мавжуд бўлган ҳамда аҳолиси 7 минг кишидан кам бўлмаган ва унинг учдан икки қисмини ишчи, хизматчи ҳамда уларнинг оила аъзолари ташкил этган шаҳарчалар ва бошқа аҳоли манзиллари киритилади. Ҳозир Ўзбекистонда 66 та ана шундай шаҳар мавжуд.

Шаҳарчалар туркумига саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган ҳамда камида 2 минг аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 106 та шаҳарча мавжуд. Қишлоқлар — маъмурий-ҳудудий бўлинишининг қуйи бўлиниридан биридир. Шаҳар ҳудудларига кирмайдиган, маълум аҳоли сонига эга бўлган қишлоқ марказлари ва маълум саноат объектлари атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш жойлари қишлоқлар бўлиши мумкин.

Овуллар эса, қишлоқларга қараганда кичикроқ ҳажмидаги яшаш ва турар жойлардан иборат бўлган аҳоли пунктларидир. Овулларда кўп ҳолларда қоравод оилалар истиқомат қилиб, улар асосан кўчиб юрвчи бир неча чўпонлар оилаларидан ташкил топади. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 1427 та қишлоқ ва овуллар мавжуд.

Эргаш САЙТОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.

Вилоят — республика маъмурий-ҳудудий бирикми тизимида энг юқори йирик бўлиб, алоҳида ўрин тутаяди. Вилоят ўз таркибига бошқа маъмурий-ҳудудий бўлақларнинг

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Янгийўл академик лицейининг директори лавозимига танлов эълон қилади:

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- 1. Бошқарма бошлиғи номига ариза.
2. Тавсиянома.
3. Сўровнома.
4. Таржимаи хол.
5. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
6. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса).
7. Илмий-ўқувчи ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
8. 4x6 ўлчамдаги фотосурат (6 та).
9. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика кўрғони.
Телефонлар: 66-16-51, 66-09-59.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ мамлакатлар одамлар воқеалар БМТ Бош котиби Кофи Аннан Хитойга ташрифи чоғида СПИД (ОИТС) касаллиги тарқалишини мамлакатдаги энг долзарб муаммо, деди. Бош котибнинг таъкидлашича, Хитой ҳукумати маъмур ка-

салликка қарши курашга бел боғлаган экан, вақтни бекор ўтказмаслик керак. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозирда Хитойда СПИД билан касалланганлар сони 800 мингдан 1,5 миллионга етиши мумкин. Утган йили бу мамлакатда 30 мингга яқин одам ўшбу хасталиқдан вафот этган. Ҳиндистоннинг Боггойган шаҳрида миллий байрам тантаналари вақ-

ЮТУҚЛАР ОМИЛИ — ДЕҲҚОНГА ЭЪТИБОРДА

Хар икки бригада пудратчилари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш мақсадида меҳнат қилмоқдалар. Оилавий пудратчи Жўра Султонов эса, 10 гектар ердаги ҳосилни атиги 4 иш кунинда йиғиштириб олиб, ҳосилдорликни 34 центнерга етказди.

Хўжаликда техникага бўлган муносабат бугунги ютуқнинг иккинчи омили дейиш мумкин. Мавжуд 24 та чопиқ тракторининг тенг ярми 1970 йилларда келтирилган бўлиб, уларнинг тех-

ник ҳолати янгиларидан қолишмайди. Бу йил лизинг шартномалари асосида сотиб олинган янги иккита чопиқ трактори ҳам ғўза қатор ораларида ишлов беришда деҳқонларнинг оғирини енгил қилди. Шунингдек, хўжаликда бу йил «Кейс» билан бирга «Ўзбекистон» агрегатлари ҳам теримда қатнашди. Олиб келинганига 30 йилдан ортиқ вақт ўтса-да, уларнинг унумдорлиги ҳамон юқори. Масалан, шу агрегат билан хўжалик механизатори Эргаш Тоҳиматов 210 тонна, Худойберган Оймирзаев эса 160 тонна пахтани териб

бердилар. Муваффақиятларнинг яна бир омили, эҳтимол, энг муҳими меҳнат киши-сига бўлган эътиборнинг юксак даражада эканлигидир. Умуман, бу йил туманда бу борада кенг қўламдаги ишлар қилинмоқда. Хусусан, туман ҳокими М. Тиллабоев ўзи бутун мавсум давомида 1500 нафарга яқин механизатор ва сувчи билан бирма-бир суҳбатлашиб, уларнинг меҳнати юқори баҳоланди ва унумли иш-лашлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилди. Уларга ва фарзандларига соғва-саломлар топширилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).



«Чиноз бозори» ҳиссдорлик жамияти аъзолари ҳар йили йиғим-терим мавсумида пахтакорларга баҳоликудрат ёрдам беришга одатланганлар. Бу йил ҳам жамоанинг 18 нафар аъзоси «Гулзоробод» ширкат хўжалиги далаларида юксак унум билан меҳнат қилмоқда. Улар хўжалик хирмонида 22 тонна пахта териб тўкишга аҳд қилишган.

СУРАТДА: жамоанинг ишор теримчиларида Муҳаббат Исмаилова, Неймат Болтабоев, Вазир Исмаилова.

Пўлат РАҲИМОВ олган сурат.

ҒАЛЛА ЭКИШНИ КЕЧИКТИРАЁТГАНЛАР


келаси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин яратилишини хавф остига қўймоқдалар

Кейинги йиллар тажрибасидан маълумки, кузги ғаллани октябр ойидан кечиктирмай экиб олган хўжалиқларда уруғлик тўлиқ униб чиқиб, майса қалинлиги меъёрида бўлмоқда ва қалин туллаб, қишдан яхши чиқмоқда, барқарор мўл ғалла етиштирилмоқда. Ҳатто, айрим туманларда ҳар йили ғалладан муҳим 45-50 центнердан ҳосил олмақдалар.

Бу йил ҳам вилоятимизда сентябрнинг ўрталаридаёқ ғалла экиладиган майдонлар белгиланиб, ерни тайёрлашга киришилди. Баъзи хўжалиқлар 20 сентябрдаёқ экишни бошлаб юбордилар. Паркент, Тошкент ва Қибрай туманларида кузги ғалла экиш, айниқса, уюшқоқлик билан жадал суруятларда давом эттирилмоқда. Бу туманларда ҳадемай белгиланган топшириқ юз фоиз бажарилса, улар билан измаиз бораётган Янгийўл, Бўқа ва Окқўрғон туманларида кузги ғалла учун ажратилган майдонларнинг тўртдан уч қисмига экиб бўлиниди.

Шунингдек, ўртачирчиқ ва Чиноз туманларида ҳам экиш суруяти вилоятдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан бирмунча юқори. Маълумки, бу йил вилоятда 115 минг гектар суғориладиган майдонга ғалла экиш режалаштирилган. Ҳозирги кунга ана шу майдоннинг 70 фоизидан кўпроғига кузги ғалла экиб бўлиниди. Бирок, айрим туманларда сусташликка йўл қўйилаётгани сабабли, экиш суруятлари кейинги кунларда биров бўшади. Жумладан, Охангарон ва Бўстонлик туманлари ғаллакорлари илгорлардан, айтиш мумкинки, деярли тенг баравар ортда қолмоқдалар. Тўғри, бу туманларда ғалла учун ажратилган айрим майдонларнинг кузги сабзавот экинлари ҳосилдани бўшаши кутилмоқда. Аммо, буни ўзга сабаб қилиб кўрсатиш ноўрин. Чунки, бошда, янги ер ажратилиш чоғида масаланинг бу томони эътиборда олинмаган. Шунингдек, Зағзиота тумани хўжалиқларида топшириқда белгиланган жами майдоннинг эн-

дигина яримдан сал кўпроғига ғалла экилганини ҳам шундай изохлаш мумкин. Пахтакор туманлардан Қуйчиқирчиқ ва Пскентда ҳам кузги ғалла экиш биров суст. Афтидан, ушбу туман хўжалиқларининг раҳбарлари асосий эътиборни пахта йиғим-теримига қаратиб, дон экишни ўз холига ташлаб қўйишган кўринади. Буни ҳам ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди. Чунки, Янгийўл, Окқўрғон ва Бўқа туманлари пахта теримини сўсайтирмаган ҳолда кузги ғалла экишда ҳам вилоятда пешқадамлар сафида бормоқда. Вилоят хўжалиқларида ғалла экишининг боришини назорат қилиш, камчилик ва нуқсонларни вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қўмақлашиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳлари мунтазам жойларда бўлиб, аҳолини текширмоқда, натижаларни таҳлил қилиб бормоқда. Гуруҳлар бераётган маълумотларга қараганда айрим туман ва ўнлаб хўжалиқлар ғалла экишда



«Тошкенттўр» очик турдаги акциядорлик жамиятининг Бўқа дон маҳсулотлари қабул қилиш шохобчаси жорий йилда 32 минг тонна атрофида ғалла қабул қилди. Унинг жамоаси вилоятимиз ғаллакорларига экиш учун катта ҳажмда сара уруғ тайёрлади. Хар кўни уларга 70-80 тонна шундай маҳсулот етказиб турилди.

СУРАТЛАРДА: шохобчаси етказиш муассасиси Иброҳим Акиев дон сифатини текширмоқда (ўста); бригадир Абдували Эмиратов ва назоратчи Асан Султоновлар дориланган уруғларни хўжалиқларга тақсимламоқдалар.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Шу сонга Чиноз туманида яна икки хўжалик давлатга пахта сотиш режасини бажарди ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ СОБИР РАҲИМОВ номли ширкат хўжалиги пахтакорлари шу кунгача қабул пунктларига 1120 тонна сифатли хом ашё топшириб, режани 102,5 фоиз қилиб бажардилар. Ҳосилнинг 70 фоизи уруғлик учун қабул қилинди. Боймуҳаммад Бойматов бош бўлган пудратчилар ҳосилдорликни 27 центнер ўрнига 32 центнерга етказдилар. Хури Фахрулова, Фазилат Ражабова, Робия Латипова сингари чевар теримчилар хўжалик хирмонида кунига 150 килограммдан пахта тўкиб, муваффақиятга муносиб ҳисса қўшдилар. Хўжалик пудратчилари умумий хирмони 1300 тоннага етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

«ЎЗБЕКИСТОН» ширкат хўжалиги ҳам давлатга 1558 тонна пахта топшириб, режани ортиқ билан адо этди. Хўжалик уруғчиликка ихтисослашгани сабабли асосий ҳосил қўлда териб олинди. Далада ҳали ҳосил мўл. Давлатга яна 200 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилган пудратчилар теримни давом эттирмоқдалар. Орзикул МАЪМУРОВ.

Бундай эътибор, айниқса, Охунбоев номли ширкат хўжалигида катта самара бериб, далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Ишонч ва эътибор учун чин дилдан миннатдор бўлган деҳқонлар кеча-ю кундуз фидокорона меҳнат қилдилар. Хўжалик далаларида терим суруяти пасаёгани йўқ. Ҳосилдорликни 32 центнерга етказиб, умумий хирмонни 3000 тоннадан оширишга бел боғлаган охунбоевликлар ҳамон юксак уюшқоқлик ва оммавий сафарбарлик билан теримни давом эттирмоқдалар. Ҳамид НОРҚУЛОВ.

Бугуннинг гапи

оқсаётгани устига, агротехника қондаларининг бузилишига ҳам йўл қўймоқда. Аввало, ғалла учун ажратилган айрим майдонлар шу кунгача ҳайдалмаган. Қатор хўжалиқларда ерлар суғорилмай, қуруқ ҳайдалгани сабабли катта-катта кесак кўчган. Улар обдон майдонлиги, уруғлик ғалла сепилган. Ҳолбуки, бундай майдонга экилган ғалладан кутилган ҳосилни олиб бўлмайди.

Иккинчидан, кўп хўжалиқларда ғаллага ажратилган ерларни шудгорлаш мутлақо назорат қилинмаган. Майдонлар сазорат уюмлари йиғиштириб олинмай, ажриқ ва бошқа беғона ўтларнинг илдизлари ҳамда қолдиқларидан тозаланмай ҳайдалган. Бунинг устига қатор бошлар ва этакларда, бурчакларда анча жой ҳайдалмай қолди кетган, яъни тўлиқ гектарлар қопиб қилинмаган. Шунингдек, кўп майдонлар меъридан анча сазв шудгорланган. Баъзи хўжалиқларда бор-йўғи 15-20 сантиметр чуқурликда ҳайдалган қарталар учрамоқда.

Учинчидан, уруғлик белгиланган чуқурликка ташланмай, анча юза тушган майдонлар ҳам кўп. Бундай аҳолида у қушлар галасига ем бўлиб, тўлиқ кўчат олинмаслиги аниқ.

Тўртинчидан, уруғлик сепилган майдонларни суғориш ҳам кўп хўжалиқларда кўнгилдагидек эмас. Масалан, бир жойда сув кеч қўйилса, бошқа жойларда ё ортиқча қўла-тиб, ёки ола суғорилмоқда. Бунинг асосий сабаби ғалла майдонлари раво ва текис сув ичиши учун олинмаган сув йўлларининг қийиш-қингирлиги ва серкесак эканлигидир.

Афсуски, ғалла ҳосилининг заволи бўлган бундай камчилик ва нуқсонларни деярли барча хўжалиқларда учратиш мумкин. Ҳатто, вилоятда пешқадамлар сафида бораётган Қибрай туманидаги Нормухаммадов ва Жомий номли, «Қизил шалола», Янгийўл туманидаги «Янги ҳаёт», Окқўрғон туманидаги «Маданият», Навоий нокили ва бошқа туманлардаги ўнлаб хўжалиқларда ҳам шундай аҳолини кўриш мумкин.

Келгуси йилдаги ғалла хирмонининг тақдирини кузги дон экиш мавсумининг қай тарзда ўтказилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шундай вақт ичида юқоридаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиб, экиш мавсумини муваффақиятли яқунлаш учун бор имкониятларни ишга солиш чораларини кўриш зарур.

Абдуҳамид САЙДУЖАЕВ, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

Ванденбергдаги (Калифорния штати) ҳарбий ҳаво кучлари базасидан учтирилади. Хабарда айтилишича, бу ғалли синоида денгиз базасидан радар тизими илк бор ишга туширилади. АҚШ шу лойиҳага бундай синовларни олти марта ўтказган бўлиб, хар бирага тахминан 100 миллион доллар атрофида маблағ сарфлаган.

Истанбул шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ИХТ) аъзо дав-

латларнинг анжумани бўлиб ўтмоқда. Кўни кеча Туркия президенти Аҳмад Назоқ Сезер анжуманини тантанали равишда очди. Туркия давлат раҳбари аъзо давлатларини узаро алоқаларни янада кенгайтиришга даъват этди.

Бўстонлик туманидаги 31-мактаб томонидан Тасиббаева Абиба Эрматовна номига берилган 489694 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги 59-мактаб томонидан Мардонов Улуғбек Очилнов номига, 9-синфини битирганлик ҳақида берилган 521182 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎЙИНЧОҚЛАР ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган "Семинли ўйинчоқлар" кўрмас-танлови якунланди.

Ўзбекистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кўрмаларда энг яхши деб топилган икки юзга яқин ўйинчоқ намойиш этилди.

Хулқар СОДИҚОВА, ЎЗА мухбири.

ЯНГИ РИСОЛА ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида немис исломшунос олими Улрих Рудолф қаламига мансуб "Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Янги рисола Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ва Германиянинг Фридрих Эберт жамғармаси ҳамкорлигида нашр этилган.

Замон ЭШОНКУЛОВ, ЎЗА мухбири.

ИПАК ЙЎЛИ - ДЎСТЛИК ЙЎЛИ

Ўзбекистонда "Буюк ипак йўли - дўстлик йўли" маданий-маърифий дастури амалга оширила бошланди.

Мазкур дастур Ўзбекистон хорижий тарихини ўрганиш, турли мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши томонидан "Амир Темур" илмий экспедицияси, "Камолот-Қонун" ҳуқуқий маркази ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган чет давлатлар элчихоналари билан ҳамкорликда бажаришмоқда.

Э.ХОЛИҚОВ, ЎЗА мухбири.

ПУСАНДАН ЁРУФ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган XIV Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Унда юртимизнинг 214 нафар вақили спортнинг 24 тури бўйича иштирок этди.




Осиё ўйинларидаги дастлабки зафарли олимни велоспортчи Сергей Крушевский бошлаб берди. Кизини шундаки, у Ўзбекистон жамоаси ҳисобига ilk медаль - бронзани келтирган бўлса, биринчи олтин медалнинг ҳам муаллифи айнан С.Крушевский бўлди.

Пусандаги мусобақаларда гимнастикани Оксана Чусовитина ҳам хавас қилгулик натижаларга эришди. У терма жамоамизга тўртта медаль тақдим этди. Айниқса, Оксанининг эркин машқдаги чиқишлари барчага манзур бўлди.

Ўзбекистон терма жамоаси газнасига энг кўп олтин медални боксчилар тўхта этди. Пусанга борган ўнта чарм қўлқоп устасидан олтинчи финалга чиқди.

Ўзбекистон терма жамоаси газнасига энг кўп олтин медални боксчилар тўхта этди. Пусанга борган ўнта чарм қўлқоп устасидан олтинчи финалга чиқди.

Ўзбекистон терма жамоаси газнасига энг кўп олтин медални боксчилар тўхта этди. Пусанга борган ўнта чарм қўлқоп устасидан олтинчи финалга чиқди.



Осиё ўйинларида учинчи марта қатнашган ўзбекистонликлар 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза - жами 51 медалга эришди.

Осиё ўйинларида учинчи марта қатнашган ўзбекистонликлар 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза - жами 51 медалга эришди.

Осиё ўйинларида учинчи марта қатнашган ўзбекистонликлар 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза - жами 51 медалга эришди.

Осиё ўйинларида учинчи марта қатнашган ўзбекистонликлар 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза - жами 51 медалга эришди.

Осиё ўйинларида учинчи марта қатнашган ўзбекистонликлар 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза - жами 51 медалга эришди.

МЕРОСХЎР КИМ?

Кадим замонда мўтабар бир кишининг ўғли бор эди: кичик ўғли ота-онасининг измидан чиймай, уларни иззат-ҳурмат қиладиган одобли йигит эди.

Кадим замонда мўтабар бир кишининг ўғли бор эди: кичик ўғли ота-онасининг измидан чиймай, уларни иззат-ҳурмат қиладиган одобли йигит эди.

Кадим замонда мўтабар бир кишининг ўғли бор эди: кичик ўғли ота-онасининг измидан чиймай, уларни иззат-ҳурмат қиладиган одобли йигит эди.

ИБРАТНОМА

Деб шикоят қилдилар. Кичик ўғил кўзида ёш билан то тирик экан, отаси қабрини буздираслигини айтди.

Халқ таъоботи

ҚОВОҚ



Ибн Сино қовоқдан тайёрланган қайнатмани йўтал ва кўтрак оғриғи, қовоқ сувини эса гул мойига қориштириб отиш, ангина давосига ишлатишни тавсия этган.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Жаҳон теннис мухлислари мутахассисларнинг эълбори шу кунларда мамлакатимиз пойтахти - Тошкент шаҳрига қаратилган. 14 октябрда бу ерда яна бир нуфузли мусобақа - Осиё чемпионати бошланди.

Осиё теннис федерацияси - ОТФ қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Унга ҳозир Осиёнинг 43 мамлакат иштирок этди.

Осиё теннис федерацияси - ОТФ қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Унга ҳозир Осиёнинг 43 мамлакат иштирок этди.

Осиё теннис федерацияси - ОТФ қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Унга ҳозир Осиёнинг 43 мамлакат иштирок этди.

СКАНВОРД

Scrabble grid with words and clues. Words include: Бўхтон, Фоҳида, Эрта, Маҳфий, Тўғри, Бўғиз, Энг, Ута, Хайвон, Иртқич, Маъму, Аф-башара, Бир оз, Қуршов, Патрон, Мўчқоқ, Инкор, Қозонга, Яқин, Юрсанг, Қозонга, Яқин, Юрсанг, Қозонга, Яқин, Юрсанг.

Газетамизнинг 9 октябрда берилган кроссворднинг жавоблари

- Энгиз: 1. Хазон. 5. Пулат. 7. Кузов. 11. Кайир. 12. Муаллим. 15. Оксун. 16. Карши. 18. Шудринг. 21. Хамр. 22. Омск. 26. Паста. 28. Ангонла. 29. Арағи. 30. Хайит. 36. Драхма. 37. Орегон. 39. Қўза. 40. Литр. 43. -Лада-. 44. Учур. 45. Қазв. 46. Қирол. 47. Қисса. 48. Урик. 53. Хонка. 54. Сандик. 55. Қарлуқ. 56. Офтоб. 59. Яширин. 60. Охиста. 61. Тахсин. 62. Фармон.

«КИМЁГАР»ДА ҲАМОН ОЧКО ЙЎҚ

2002-2003 йилги Ўзбекистон кубоги баҳсларининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Миллий чемпионатнинг олий ва биринчи табақаси вақиллари билан бирга вилоят кубоги соҳиблари ҳам баҳо юритмоқдалар.

Миллий чемпионатнинг олий ва биринчи табақаси вақиллари билан бирга вилоят кубоги соҳиблари ҳам баҳо юритмоқдалар.

Оққўрғон туманидаги А. Икромов номи ширкат ўҳулининг «Куёнқулоқ» маҳалласида содир бўлган жиноят ҳақида

Оққўрғон туманидаги А. Икромов номи ширкат ўҳулининг «Куёнқулоқ» маҳалласида содир бўлган жиноят ҳақида.

ҚОЗОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ...

Қозонга яқин юрсанг... Биз воқеа иштирокчиларининг исм-шарифларини бирма-бир зикр этиб, уларни ноқулай аҳволга солмоқчи эмасмиз.

Жиноятга жазо муқаррар

Жиноятга жазо муқаррар... Ди унда, — муқаддам судланган шахслар ҳеч қандай ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланмай, ичкиликбозлик ва киморбозлик билан кун ўтказиб юришгани маълум бўлди.

Advertisement for 'Тошкент Ҳақиқати' newspaper, including contact information and subscription rates.